



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 20 март, № 54 (7284)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, УЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-хўнара эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунча кучли бўлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Биринчи ташаббус ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилди.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қobiliятини намойиш қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Ана шу эзгу гоя Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида бошланиб, қисқа вақтда улкан ишлар амалга оширилди. Мазкур ҳудуддаги туман ва шаҳарлар кутубхоналарига 300 минг нусхада бадий адабиётлар етказиб берилди. Мусика ва санъат мактаблари қолғу асбоблари, спорт объеклари жиҳозлар билан таъминланди.

Бу ишлар Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб, “Маърифат карвони” ташкил этилди. Ёшлар учун 25 минг донга қитиб, 80 турдаги спорт жиҳозлари ва мусика асбоблари етказиб берилди.

Ушбу 5 ташаббус халқимиз, айниқ-

са, ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди.

Йиғилишда бу тажрибани Ўзбекистоннинг барча ҳудудида кенг жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 800 дан ортиқ маданият марказлари, 312 та мусика ва санъат мактабига атиги 130 минг нафар ўғил-қиз қамраб олинган, мазкур муассасаларнинг аксарияти ўқув қўлланмалари, ноталар тўплами, мусика асбоблари ва жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмагани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари жойлардаги маданият марказлари, мусика ва санъат мактабларининг моддий-техника базаси ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича топшириқлар берди.

Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингга тўғрақ ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ташаббускор истеъдодли ёшлар ва маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда, маданият марказларида бадий-хаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва “Ёшлар клублари” ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Атоқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорларни туманлардаги маданий ишларга кўмакчи сифатида бириктириш яхши натижа бераётганини инобатга олиб, бу тажрибани бутун мамлакатга ёйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Унга мувофиқ, таниқли артистлар туман ва шаҳарларга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилиб, ўша жойларда маданият ва санъатни ривожлантиришга масъул бўлади, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эса ушбу ишларга моддий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам беради.

Мусика ва санъат соҳасида олий маълумотли кадрларни кўпайтириш масаласига ҳам эътибор қaratилди.

Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларига муайян мавзулар бўйича тарих

дарсларини музейлар, тарихий оби-қалар, қадамж ва театрларда сайёр ўтказилишини ташкил қилиш топширилди.

Иккинчи ташаббустга доир масалалар муҳокама қилинар экан, юртимизда 12 мингдан зиёд спорт иншоотлари борлиги, лекин ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш даражаси етарли эмаслиги қайд этилди. Умумтаълим мактабларининг спорт анжомлари билан жиҳозланиш кўрсаткичи мамлакат бўйича 56 фоизни ташкил этгани ҳолда, Сурхондарё вилоятида атиги 12 фоиз, Хоразмда 14 ва Қорақалпоғистонда 15 фоиз, холос.

Йиғилишда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш бора-сидаги чора-тадбирлар белгилан берилди.

Туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарларига мутахассислар билан биргаликда ёшларнинг спорт турларига қизиқиши ҳамда спорт иншоотларининг жиҳозланиш даражасини ўрганиб, шу асосда тақдирлар бериш, Вазирлар Маҳкамасига уларни амалга ошириш учун зарур маблағлар манбасини аниқлаш вазифаси юклатилди.

Олис ва чекка қишлоқларда енгил конструкцияли сэндвич-панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қуриш, ташаббускор тадбиркорларга спорт иншоотлари барпо этиш учун ер ажратиш зарурлиги таъкидланди. Бундай тадбиркорларга “Ўзмилилийбанк” томонидан “Ёшлар — келажакимиз” Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Жойлардаги спорт мактабларига таниқли халқаро мусобақалар қолибларини раҳбар этиб тайинлаш, шунингдек, спортчиларни олий ўқув йуртиларининг махсус сиртки бўлимларида мақсадли ўқитиш яхши натижа бериши қайд этилди. Болалар ва ўсмирларнинг спорт мактаблари сонини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот

технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига илғор халқаро тажрибалар асосида барча шаҳарларда ва туманлар марказида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Бу марказларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилади, ахборот технологиялари соҳасида бизнес бўйича инновацион кўникмалар шакллантирилади, стартап лойиҳаларга ёрдам кўрсатилади.

Бугунги кунда барча мактабларда компьютер техникалари бўлишига қарама-сидан, интернет хизматидан етарли даражада фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 2021 йилгача барча мактаблардаги компьютер синфларини замонавий технологиялар ва юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ташаббускор тадбиркорларни жалб қилган ҳолда, компьютер ўйинлари марказларини ташкил этиш, уларда болалар ва ёшларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган тест, викторина, ривожлантириш стратегиялари ва бошқа фойдали дастурлар бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш уларнинг ҳаёт йўлларида мустаҳкам замин бўлади. Лекин қўлаб қишлоқ ва маҳаллаларда бунинг учун зарур шароит мавжуд эмас. Илгариги кутубхоналар ўрнида ташкил этилган Ахборот ресурслар марказлари ўзларига юклатилган вазифаларни баҳара олмади.

Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, янги ташаббус доирасида ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда жойларга қўшимча китоблар етказиб бериш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мутасадди

вазирлик ва идораларга “Маърифат карвони” лойиҳаси доирасида бадий, маърифий, ижтимоий мавзуларда китоблар чоп этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган микдорда етказиб бериш бўйича топшириқ берди.

Йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этиш кераклиги таъкидланди. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига барча шаҳар ва туманларда қўйма китоб павильонларини жойлаштириш, “Библиобус” ларини йўлга қўйиш орқали қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шу мақсадда 2019-2020 йилларда барча туманларда сэндвич-панеллардан 195 та тикув-трикотаж корхонаси ташкил этиш белгиланган. Уларни қуриш учун аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресурслари кўп жойлар танлаб олинган. Бу корхоналарини ташкил этиш натижасида хотин-қизлар учун 24 мингдан ортиқ доимий иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Президентимиз меҳнат қилиш истеъдоди аёллар иш ўринлари сонидан анча кўпчилигини ҳисобга олиб, корхоналарда ишни 2 сменада ташкил этиш, уларда харидориги маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда қайд этилган 5 ташаббусни кенг жорий қилиш мақсадида барча ҳудудга мутасадди раҳбарлар масъул қилиб бириктирилди. Шунингдек, бу вазифаларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, “Нуроний”, “Маҳалла” жамағамалари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи раҳбарлари шахсан масъул ва жавобгар этиб белгиланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан ахборотлар тингланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ЭШИТИШ ВА НУТҚИДА МУАММОСИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Сўнгги йилларда республикада ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтиришга қаратилган изчил чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахслар учун ахборот ресурслари ва давлат тезкор оператив хизматлари билан алоқа ўрнатиш имкониятларини тўлиқ таъминлаш орқали мавжуд шароитларга мослаштириш тизимини янада такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларнинг жамиятга тўлиқ ижтимоий интеграциясини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг **2019 йил 1 июлдан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таркибида муаммоси бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш диспетчерлик хизматини ташкил этиш** (кейинги ўринларда — Диспетчерлик хизмати) тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахслар, шунингдек, уларнинг вакиллари томонидан техник воситалар (видео кўнғироқлар, матнли хабарлар, махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда кўнғироқлар ва бошқалар) орқали бўладиган муносабатларга **шошилинч оператив хизматларнинг (101, 102, 103, 104, 1050) кечаю кундуз, тезкор жавоб беришларини мувофиқлаштирган ҳолда таъминлаш** Диспетчерлик хизматининг асосий вазифаси этиб белгилансин.

3. Белгиланб қўйилсинки: Диспетчерлик хизмати ходимлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қўшимча ажратиладиган дастлабки 10 штат бирлиги ҳисобига тўлдирилади (бир нафар сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчи ва 9 нафар хизматчи) ва **кейинчалик тушадиган хабарлар ҳамда муносабатлар ҳажмига қараб уларнинг сони 22 нафаргача етказилади;**

Диспетчерлик хизматини дастлабки техник жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар (сервер ускуналари, компьютер техникаси ва оргтехника, дастурий таъминот) **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамағамаси маблағлари ҳисобидан қопланади;**

Диспетчерлик хизматини жорий таъминлаш ва молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига зарур бўлганда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, мазкур банднинг иккинчи хатбоши талабларини инобатга олиб, Диспетчерлик хизматининг белгиланган штат бирлигига ўзгартаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Ўзбекистон қарлар жамияти билан биргаликда бир ой мuddатда Диспетчерлик хизматини юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир мутахассислар билан тўлдирishi мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига имо-ишора тилида сўзлашадиган мутахассислар орасидан номзодларни тақдим этсин;

уч ой мuddатда ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларнинг шахсий маълумотлари электрон базасини яратишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Диспетчерлик хизматининг регламентини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Диспетчерлик хизматининг техник жиҳозланишини (сервер ускуналари, компьютер техникаси ва оргтехника, дастурий таъминот) таъминласин;

уч ой мuddатда Диспетчерлик хизмати фаолиятининг хусусиятларини инобатга олиб, унинг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш учун жойлаштириш, жиҳозлаш ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларга шошилинч оператив хизматлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, мобил алоқа сервисларидан фойдаланиш бўйича бепул хизмат кўрсатиш имконини берувчи ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича мақолалар ҳамда мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т. А. Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 март

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Жазо мuddатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони

Ш А Р Х

2019 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўз умумхалқ байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида «Жазо мuddатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **44** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 7 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 11 нафари жазони ўташдан мuddатидан илгари шартли озод қилинади, 12 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, 30 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан ўз оилалари бағрига қайтарилади. Шунингдек, 13 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жа-

зосининг мuddатлари қисқартирилди ва 1 нафар шахс қўшимча жазодан озод қилинди.

Афв этилганларнинг 2 нафарини 60 ёшдан ошганлар, 5 нафарини аёллар, шунингдек, 23 нафарини таққиланган тақдирлар фаолиятида қатнашган фуқаролар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинларини бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 март куни президентлик ваколатларини топшириш ҳақида эълон қилган Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбаев бир-бирларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўнчилик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланаётгани, кўп қиррали сермаҳсул ҳамкорлик кенгайиб бораётганини алоҳида манъуният билан таъкидладилар.

Ўзбекистон Президенти узоқ мuddатли ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Қозо-

ғистон муносабатларида мустаҳкам пойдевор яратилишида қардош Қозоғистон Биринчи Президентининг шахсан қўшган ҳиссасини юксак баҳолади ва чуқур миннатдорлик билан қайд этди.

Мулоқотда Нурсултон Назарбаев раҳбарлигида замонавий бозор иқтисодиётига асосланган давлат барпо этилгани таъкидланди. Тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувли-

таъминланди, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси мустаҳкамланди. Бугун Қозоғистон дунёнинг ривожланган 50 давлати қаторига қиради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбаевга мустаҳкам солиқ, бахт-саодат ва Қозоғистон халқига хизмат қилиш йўлида муваффақиятлар тилади.

Давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги яхши қўнчилик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик бундан буён ҳам изчил мустаҳкамланиб боришига ишонч билдирди.

Ў.А.



ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР



Бундан йигирма йил аввал Самарқанд автомобиль заводи ташкил этилиб, дастлабки икки русумдаги автобус, уч русумдаги юк автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз автосаноатини ривожлантириш борасида ҳаётга татбиқ этилган қатор ислохотлар туфайли мазкур корхона салоҳияти ҳам тобора юксалиб борди.

Кейинчалик “СамАвто” масъулияти чекланган жамияти Япониянинг “ISUZU Motors” компанияси ҳамда “Itochu corporation” корпорацияси билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди ва бу унинг фаолиятида янги даврни бошлаб берди.

➡ 2



ЯНГИ ҚЎМИТА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШАДИ

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги — Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хукуқ масалалари қўмитаси ташкил этилган эди.

Кеча мазкур қўмитанинг илк йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қайд этилганидек, давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавфлардан бири, шубҳасиз, коррупциядир. Шу боис мамлакатимизда ушбу иллатга қарши кескин курашиш ҳамда унинг олдини олиш бор-расида зарур чора-тадбирлар қўриляпти.

Мазкур йўналишда фуқаролик жамияти институтларининг тегишли давлат органлари билан ижтимоий ҳамкорлиги сезиларли даражада кучайди. Давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш коррупция ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этапти.

Эндиги вазифа юртимизда қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда коррупция унсурлари бўлишига йўл қўймаслик, жамиятда унга қарши мурасиз курашиш кўникмасини шакллантиришдир. Бунда, албатта, парламентнинг ўз ўрни бўлмоғи лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тузилган Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хукуқ масалалари қўмитаси олдиға давлат органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган амалий дастурлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш, коррупцияга қарши курашиш юзасидан қонун

ҳужжатларини такомиллаштиришга оид тақлифлар тайёрлаш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларида коррупцияга олиб келувчи нормалар мавжудлигини аниқлаш нуктаи назаридан уларни чуқур таҳлил қилиш каби вазифалар юклатилди.

— Ҳар қандай соҳадаги ислохотлар тўлақонли натижа бериши коррупцияга йўл очадиган омиллардан холи экани билан бевосита боғлиқ, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хукуқ масалалари қўмитаси раиси Тўлқин Абдусатторов. — Шу маънода, янги тузилган қўмига ўзига юклатилган масъулиятли вазифаларни бажаришда асосий эътиборни мурасиз, таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга қаратади.

Таъкидланганидек, қўмита йиғилишларида мансабдор шахсларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти юзасидан парламент эшитувларини ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, коррупция ҳақидаги бошқа маълумотларни қўриб чиқиш, амалга оширилган ишлар тўғрисида парламент аъзоларини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш ҳам устувор вазифалар қаторида белгиланмоқда.

Яқинда билдирилган тақлиф ҳамда тавсиялар асосида қўмитанинг галдаги аниқ режалари белгилаб олинди.

Раҳим ШЕРКУЛОВ («Халқ сўзи»).



Мудофаа вазирлиги қўшинларига замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар топширилди

Мудофаа вазирлиги қўшинларини 2018 — 2021 йилларда замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш, уларни модернизация қилиш ҳамда таъмирлаш бўйича комплекс дастурга мувофиқ, кеча Чирчиқ дала ўқув майдонида қўшинларга янги ҳарбий техникалар тантанали равишда топширилди. Бу ҳақда Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди.

Кулайлик

Шу муносабат билан ўтказилган тadbирда Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги вакиллари ҳамда ҳарбий техникаларни қабул қилган ҳарбий хизматчилар қатнашди. Жами икки юзга яқин ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа намуналари орасида юк, озик-овқат маҳсулотларини таший, ҳарбий хизматчиларга тез тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган транспорт воситалари бор.

— Президентимиз томонидан тасдиқланган режага асосан, Қуролли Кучларимиз қўшинларининг қудрати ва салоҳиятини ошириш, қўлаверса, ҳарбий хизматчиларимиз кўникмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида қўшинларни янги, бугунги кун талабларига жавоб берадиган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда, — дейди Ўзбекистон мудофаа вазирининг қурол-аслаҳа ва қуроллангичи бўйича ўринбосари, полковник О. Исмоилов. — Бугун тақдим қилинган ҳарбий техникалар бу борада қўрилаётган чора-тадбирларнинг дебочаси ҳисобланади. Келгусида бун-



дан-да замонавий зирхли техникалар, ўқ-дорилар ҳамда ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари билан таъминлашнинг режалаштирилган. Ҳарбий хизматчиларимиз ушбу техникалардан оқилона ва салоҳиятини ошириш, қўлаверса, ҳарбий хизматчиларимиз кўникмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида қўшинларни янги, бугунги кун талабларига жавоб берадиган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда, — дейди Ўзбекистон мудофаа вазирининг қурол-аслаҳа ва қуроллангичи бўйича ўринбосари, полковник О. Исмоилов. — Бугун тақдим қилинган ҳарбий техникалар бу борада қўрилаётган чора-тадбирларнинг дебочаси ҳисобланади. Келгусида бун-

Шавкат ОРТИКОВ («Халқ сўзи»).

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати суратлари.

ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР



Айни пайтда заводда шахар ичида ҳамда ташқирисида ҳаракат қилишга мўлжалланган 7 турдаги замонавий автобуслар, 36 хил юк ҳамда махсус автомобиллар ишлаб чиқариляпти. Шу пайтгача бу ерда 33 минг 700 дан зиёд автобус ва юк машиналари тайёрланди. Бунда жамоа таркибидаги 1200 дан ортқ ишчи-хизматчиларнинг алоҳида ҳиссаси бор.

Завод юқори технология ишлаб чиқаришни яратиш бўйича катта йўлни босиб ўтди. Замон билан ҳамнафас ҳолда, корхонага илгор технологиялар босқичма-босқич таътиб этиб боришдан муваффақиятларга замин ярат-

ди. Энг муҳими, давлатимизнинг фаол қўллаб-қувватлаши боис “SamAuto” мамлакатимиз иқтисодиётида муносиб ўринга эга бўлди. Тараққиёт шиддат билан илдамляпти. Шунга мувофиқ, завод жамоаси келгусида янги-янги лойиҳаларни жорий этиш устида астойдил ҳаракат қияпти.

“SamAuto” фаолиятига оид яна бир хушхабар. Япониялик ҳамкорлар заводда “ISUZU Motors” компаниясининг “D-MAX” автомобиллини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Бу лойиҳа ҳам муваффақиятли амалга ошса, шубҳасиз, мамлакатимиз автосаноати тараққиётига муносиб улуш бўлиб қўшилиди.

Р. ОТАМУРОВОВ.



САНОАТНИНГ ЯНА БИР ЙЎНАЛИШИ ЎЗЛАШТИРИЛДИ

Кеча Ўзбекистонда илк маротаба Халқаро картошка кунини ўтказилди. Ўзбекистон Картошка етиштирувчилар ассоциацияси, Германиянинг картошка етиштириш ва жойлаштириш бўйича йирик техникалар ишлаб чиқарувчи “Grimme” компанияси ҳамда “Agrover” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган мазкур тадбир мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Тақдимот



Сабаби, унда мазкур тармоқдаги ютуқлар намоий этилиб, мавжуд муаммолар ечими бўйича муҳомаалар ўтказилди, шунингдек, юртимиз ҳамда хориж аграр соҳаси вакиллари ўзаро таъриба алмашдилар. Зеро, тадбир доирасида МДХ ва Европа минтақаси давлатлари ишлаб чиқарувчилари, уруғчилик, қадоқлаш, картошка етиштиришга

ихтисослаштирилган 20 дан ортқ компаниялари вакиллари иштирок этди.

“Иккинчи нон” дея таърифланадиган картошкага дунё миқёсида талаб юқори. Лекин республикаимизда картошканинг асосий қисми томорқа ер эгалари ҳамда фермер хўжаликлари томонидан иккинчи экин сифатида етиштирилади. Уни саноат усулида етиштириш ёки сақлаш ишлари деярли йўлга қўйилмаган. Вахолонки, Ўзбекистон табиати картошканидан бир йилда уч маротаба ҳосил олиш имконини беради. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мазкур соҳани ривожлантириш, картошка уруғчилиги етиштиришни жадаллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар олиб борилаётгани аҳамиятлидир.

“Agrover” республикаимизда картошкачилик йўналишидаги энг йирик субъект-

лардан бири ҳисобланади. Айни пайтда мазкур жамиятда картошканинг 8 та нави етиштирилмоқда. Улар Германия, Россия, Беларусь, Голландиядан келтирилган элита уруғлардан саралаб олинган.

Халқаро картошка кунини муносабати билан пойтахтимизда картошкани қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Solanuz” корхонаси ишга туширилди. Мазкур саноат субъекти юртимизда индустриянинг янги йўналишлари жадал ўзлаштирилаётганига яққол мисол бўлади. Картошканидан ярим-тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган ушбу корхонанинг йиллик қуввати 20 тоннани ташкил этади. Корхона гол-

Биз ва жаҳон

Республикаимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Бангладеш сайёҳлик компаниялари ассоциацияси ҳамкорлигида Дакка шаҳрида Ўзбекистоннинг туризм ва инвестициявий салоҳиятига бағишланган тадбир ташкил этилди. Унда йирик сайёҳлик агентликлари, жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН БАНГЛАДЕШЛИК САЙЁҲЛАР УЧУН ҲАМ ЖОЗИБАЛИ МАМЛАКАТ

Иштирокчиларга юртимизнинг иқтисодий ва туризм салоҳияти, соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, хорижлик сайёҳлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳусусида батафсил маълумот берилди.

Тақдиротда Ўзбекистоннинг зиёрат туризми салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, юртимиздаги ислом маданияти марказлари, муқаддас қадамжолар ҳақида тўхталиб ўтилди ва мавзуга доир видеолавҳалар намойиш этилди.

Тадбир қатнашчилари Самарқанд, Бухоро, Термиз, Тошкент, Хива каби шаҳарларда сақланаётган жаҳон аҳамиятига молик тарихий-маданий мерос намуналари бангладешлик сайёҳлар орасида жуда ҳам машҳур эканлигини таъкидлаб, кейинги пайтларда Ўзбекистонга саёҳат қилиш истагидагилар ортқ бораётганлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Яқин истиқболдаги ҳамкорлик ҳақида маросимда қатнашган экспертлар қуйидагиларни айтиб ўтишди:

Мансур МУРШИД, Бангладеш сайёҳлик компаниялари ассоциацияси президенти:



саналади.

Ўзбекистон туризм секторида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, хусусан, виза тизимининг эркинлаштирилиши ва сайёҳларга қўллаб қўлайликлар яратилаётганлиги туристик компаниялар учун янги имкониятлар эшигини очяпти.

Бироқ бугунги кунда Дакка ва Тошкент шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновлари йўлга қўйилмаганиги мамлакатларимиз ўртасидаги сайёҳлар оқимиға ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонга саёҳат қилмоқчи бўлган бангладешлик турист учинчи мамлакат, асосан, Ҳиндистон, Таиланд ёки Дубай аэропортлари орқали Тошкентга боради. Аминманки, Ўзбекистон ва Бангладеш ўртасида ҳаво қатновининг йўлга қўйилиши нафақат туризм соҳаси ривожига ҳисса қўшади, балки савдо-иқтисодий муносабатларнинг кенгайишига ҳам хизмат қилади.

Муҳаммад ҲИЛОЛ, “Muna Travels and Tours Ltd” сайёҳлик компанияси раҳбари:



— Компаниямиз, асосан, зиёрат туризмга ихтисослаштирилган. Мазкур тадбир биз учун жуда ҳам сермаҳсул бўлди. Чунки ислом маданиятининг марказларидан бири ҳисобланган Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти бўйича атрофлича маълумот олдик. Ўйлайманки, бу йўналишда ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш учун имкониятларимиз етарли. Бу йилги мавсумдан бошлаб Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларга сайёҳлик гуруҳларини ташкил қилишни режалаштирганмиз.

Омонулла ФАЙЗИЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



ландиялик мутахассислар томонидан Европанинг энг илгор ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда ҳандай қўшимчаларсиз тайёрланадиган маҳсулотлар халқимиз дастурхонидан ўрин эгаллаши, шубҳасиз. Халқаро картошка куннда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари кооперация биржаси ҳамда кўргазма ҳам ташкил этилди.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ («Халқ сўзи»).

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

Айём шукуҳи

Савдо ярмаркалари

Наврўз умумхалқ байрами арафасида Андижон шаҳридаги 12 та маҳаллада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Уларда “Андижонёғмай”, “Андижонгўштустасавдо”, “Андижонбалик” МЧЖ, агрофирмалар, паррандачилик корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари, деҳқонлар томонидан турли-туман озиқ-овқат, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари аҳолига мақбул нархларда тақлиф этилмоқда.

Энг яхши тухфа

Ички ишлар ходими Достон Темиров ижарада яшаш ташвишидан халос бўлди.

Асли гиждувонлик бўлган Достон чамаси 50 — 60 километр йул босиб хизмат бурчини ўтагани Когонга келарди.

— Бунчи қарангки, Наврўз байрами арафасида Бухоро шаҳридаги янги уйлاردан бири бизга акратилди, — дейди у. — Жуда хурсандимиз. Энди оиламдан кўнгилм тўк. Халқимиз тинчлик-осойишталигини таъминлаш учун бор куч-ғайратимни сарфлайман.

Байрам арафасида яна 30 нафар ички ишлар ходимиغا янги хонадонлар қалити топширилди.

Кўклам сурурида илҳом нафаси

Абдулла Қаҳҳор уй-музейида “Кўклам сурурида илҳом нафаси” мавзuida адабий-бадий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзевучилар уюшмаси масууллари, Маданият ва санъат вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

— Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиётининг улуғ намонандларидан бири, — дейди Маданият вазирлиги Музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Шахло Абдуллаева, — Ушбу ҳақиқатни адибнинг музейдан ўрин олган асарлари, ҳаёти ва фаолиятига доир кўплаб осориатикалар ҳам исботлаб турибди. Булар ки-тобхонларни азиз Ватанимизни ардоқлашга, тараққиёти йўлида астойдил хизмат қилишга ундайди.

Тадбирда “Бувижонлар” фольклор ансамблининг муסיқий-бадий саҳна кўринишлари намойиш этилди.

“Ватан — менинг нигоҳларимда”

Бухорода “Ватан — менинг нигоҳларимда” шiori остида ўтказилаётган республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда 30 нафар имконияти чекланган ёш ижодкорлар рангтасвир асарлари, миниятура, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, каштачилик, қуроқчилик, қулоқлик, ҳунармандчиликнинг бошқа йўналишларидаги буюм ва маҳсулотлари билан иштирок этди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Халқимизда “Шифокорга ишинг тушмасин” деган гап бор. Бу ибора касалликлардан йироқ бўл, доим соғлом юр, деган маънода айтилади. Бироқ иссиқ жонмиз, тобимиз қочиб, аҳволимиз ёмонлашганда шифокор кўмагига эҳтиёж сезамиз. Тажрибали шифокор кўзимизга гўё нажот фариштасидек кўринади. Аммо халоскорим деб ишонганимиз билимсиз ёҳуд тамагир бўлиб чикса-чи? У ҳолда, содда қилиб айтганда, дард устига чиққон бўлади. Бу ана шундайларга “иши тушган” беморлар билан суҳбатимизда янада ойдинлашди.

Таассуф

Оналар ва болалар ўлимида ким айбдор?

“Туғуруқхона” сўзини эшитганда, барчамизнинг қалбимизга алланечук илиқлик югради. Чунки бу муассасада ҳар бир оилга олам-олам қувонч бағишловчи чақалоқлар дунёга келади. Аммо боготлик Пўлат Қўшаевнинг мазкур масканга яқинлашгани сари юраги орқага тортади.

Гап шундаки, 2017 йилнинг 30 декабрида Пўлат аканинг келини Мунира Жуманазарова Хоразм вилояти Богот тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқ бўлимига биринчи фарзандини дунёга келтириш учун боради. Патронаж ҳамширасининг дафтаридан ва туғуруқдан олдинги ўйратовуш текширувларида ҳомиланинг ривожланиши ҳамда келинчақнинг соғлиги меъёрида эканлиги қайд қилинган. Чақалоқ туғилгач, бир неча соатдан сўнг у нобуд бўлади. Она эса, мана, 14 ойдан бунён қома ҳолатида ётибди.

— Малакали мутахассислар бор, даволаш имкониятлари юкори, деб келинимни вилоят перинатал марказига кўчиргандик, — дейди Пўлат Қўшаев. — Бу ерда ҳам сунъий нафас берувчи мосламани кислородга тўлдириб келишдан тортиб, турли хил қўмнат дори-дармонларгача ўзимиз сотиб олдик. Очиги, оиламиз 40 миллион сўмга яқин қарзга ботди. Қудаларимиз ҳам шунча харажат қилишди. Сарflanган пулга ачинаётганимиз йўқ, лекин муолажалардан натижа бўлмаяпти. Мунира ҳамон ҳушсиз ётибди. Айб кимда эканлигини билмайман, бироқ мен билган ҳақиқат шу: келиним туғуруқхонага ўз оёғи билан соғлом кириб борган. Энди эса...

Афсуски, вилоятда туғуруқ жараёнида она ва бола саломатлиги билан боглик бундай нохуш воқеалар кўплаб учрамоқда. Гурлан тумани тиббиёт бирлашмаси туғуруқ бўлимига қабул қилинган Г. Матсапаева нотўғри тиббий муолажалар қилингани ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмагани туфайли вафот этган. Ушбу нохуш воқеадан турли хулоса чиқариб олиш ўрнига орадан атиги уч ой ўтиб, айнан ушбу туғуруқхонада яна оналар ўлими ҳолати қайд қилинди. 1986 йилда туғилган А. Машарипованинг чақалоғи ва ўзи туғуруқдан кейинги асоратлар билан вафот этди. Она ва боланинг ўлимига ши-



фокорнинг лоқайдлиги, билими ва малакаси етарли эмаслиги сабаб бўлди. Жиноят ишлари бўйича Гурлан тумани суди мазкур ҳолатлар юзасидан қўзғатилган иш материалларини ўрганиб чиқиб, Гурлан тумани тиббиёт бирлашмаси ходимлари Г. Каримова, Н. Қўчқорова, А. Хайтбоев, М. Бобоқоновага тегишли жазо тайинлади.

Урганч тумани тиббиёт бирлашмасига олиб келинган бемор О. Умарова шифокорлар томонидан нотўғри ташхис қўйилиши, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрса-тилмагани туфайли туғуруқдан кейин ҳаётдан қўз юмган. Ҳозир Урганч тумани прокуратураси томонидан ушбу ҳолат бўйича туман тиббиёт бирлашмаси масъул шахсларига нисбатан жинойи иш қўзғатилган.

Таассуфки, ҳомиладор аёллар тўлиқ чуқурлаштирилган скрининг текширувларидан ўтказилмаяпти, оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари юкорилигича сакланиб қолмоқда. Вилоятда ўтган 2018 йилда 484 та ҳолатда гўдаклар ўлими қайд этилгани, оналар ўлими 2017 йилдагига нисбатан 50 фоиз ошгани оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳали ечимлини кутаётган муаммолар анчагина эканидан дарак беради. Мақсад битта — ҳар бир она туғуруқхонадан чақалоғини йўрқа-лаб олиб чиқиб кетсин!

«Электрон поликлиника» хўжақўрсингами?

Хоразм вилоятидаги шаҳар ва туман кўп тармокли поликлиникаларида беморларни ягона электрон рўйхатга олиш ва интер-

нет тармоғи орқали шифокор қабулига ёзилмиш имконини берувчи “электрон поликлиника” автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилган эди. Шу мақсадда замонавий компьютер воситалари хари-д қилинди. Ушбу тизимга масъул бўлган ўрта тиббиёт ходимлари махсус курслар-да ўқитилди. Афсус, соҳада ахборот-ком-муникация технологияларидан фойдаланиб жорий қилинган мазкур лойиҳа фақат

хўжақўрсинга ташкил этилганга ўхшаб қолди.

Гурлан туманидаги кўп тармоқли поли-клиникадаги шифокор қабулига кириш учун узундан-узуң навбатлар ҳар қандай киши-нинг дилини хуфтон қилади. Бу ерда ҳам бюджетнинг қанча маблағи сарфлаб таш-кил қилинган “электрон поликлиника” ти-зими ишламаяпти.

— Эрталаб келганимиз, соат 11 бўляп-тики, ҳали ҳам навбатда турибмиз, — дей-ди Музаффар Хайитматов. — Биз-ку май-ли, мана бу аёлларнинг, қарияларнинг ҳолатини бир кўр.

Умуман олганда, маҳаллаларда аҳоли сифатли тиббий хизмат билан тўлиқ қам-раб олинмаган. Баъзида тиббий кўриклар номигагина ташкил этилмоқда. Қишлоқ оилавий поликлиникасига мувожаат қил-ган фўқаролар тор доирадаги мутахассис-ларнинг йўқлиги боис, яна сарсон бўлмоқ-да. Вилоятдаги қишлоқ оилавий поликли-никаларида патронаж хизматини тақомил-лаштириш, ҳар бир оилга кириб бориш ва аҳоли саломатлигидан хабардор бўлиш, соғлом турмуш тарзини кенг тариб этиш каби ишларда мутасаддилар масъулиятини етарли даражада, деб бўлмайди. Му-хими, поликлиника шифокорларининг эти-борсизлигини ёки малакаси етишмасли-гидани беморларга нотўғри ташхис қўлиш ва йиллар мобайнида самарасиз даволаш амалиёти учрамоқда.

— Қизим 16 ёшга тўлгунга қадар йил-лар мобайнида тиббий муолажалар олиб келди, — дейди вилоят сил касалликлари диспансерида даволанаётган беморнинг онаси М. Г. — Шифокорлар касаллиқнинг асл сабабини, яъни қизимда сил таёқча-лари мавжудлигини аниқлай олмай, но-

тўғри муолажалар ўтказишган. Натижада қизим битта ўпкасидан ажралди. Навниҳол фарзандим ҳозир жуда қаттиқ руҳий изтиробда. Даволовчи шифокорга совға-саломлар ҳадя қилиб турардим. Бал-ки у биздек “саховатпеша мижоз”дан аж-ралгиси келмай, қизимни ўз вақтида бошқа тегишли мутахассис шифокорга йўлламагандир?

Тиббиёт муассасаларини реконструкция

қилиш, замонавий даволаш-диагностика жиҳозлари ва дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида бюджетдан ажра-тилётган маблағлар йил сайин кўпайти-риляпти. Шундай бўлса-да, айрим шифо масканларида беморларнинг тиббий хиз-мат кўрсатиш даражасидан қониқиш ҳосил қилишмаётгани, энг ачинарлиси, нотўғри тиббий муолажалар туфайли бир умрга но-гирон бўлиб қолаётгани ёки ҳаётдан бе-вақт қўз юмаётгани ҳам айни ҳақиқат. Бун-да, аввало, Гиппократ қасамиди нчган, эгнига шарафли оқ либосни кийган ай-рим ходимларнинг ўз вазифасига совуқ-қонлик билан қараётгани, қолаверса, кас-бига нисбатан масъулиятсизлик қилаётга-ни сабаб бўлмоқда.

Вилоятдаги тиббиёт муассасаларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш борасида-ги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳам жиддий ара-лашува мутож. Ўтган йили Урганч шаҳри-даги марказий поликлиникада абитуриент-лар учун тиббий маълумотнома беришдаги коррупция ҳолатлари ҳақида газетамиз сай-тида танқидий мақола эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Афсуски, вилоятдаги айрим тиббиёт муассасаларида ўлратувотуш ди-агностикаси, рентген тасвирини олиш каби хизматлар кўрсатишда мижозлар томонидан тулгангач пуллари кириш қилиш бора-сида қонунбузлиш ҳолатлари давом этмоқ-да. Давлатимиз раҳбари томонидан тиб-бий хизмат кўрсатиш сифатини замон талаблари даражасида ташкил этиш вазифа-си қатъий қўйилаётган, видеоселектор йи-ғилишларида қайта-қайта муҳокама қили-наётган бир пайтда вилоятдаги айрим тиббиёт муассасаларидаги мавжуд аҳвол ма-салага жиддий ёндашуви тақозо этади.

Нафс виждонни азобга қўйса...

Баъзан қўча-қўйда, маърақа-маросимлар-да шифоконанинг аҳоли орасида “морг” деб аталадиган хонасида содир бўладиган гала-ти воқеалар ҳақидаги гап-сўзлар қулоқча ча-линади. Ёмишиқ, одамлар бу жойга тушган яқинларини тиббий экспертиза мақсадида ёриб кўрмаслик учун базми ноинсоф шифо-корларга айтган микдордаги пулни келти-риб беришар экан. Бошига мусибат тушган инсондан тул палаб қилиш ҳар қандай одам-нинг ғазабини қўзғати табиий ҳол.

Бу ўзимиз, аҳоли орасида, маҳалла-қўйда эшитиб юрган воқеалар. Бундай гап-сўзларга бир ишониб, бир ишонмай юр-ганимизда “шамол бўлмаса, дарактинг учи бежиз қимирамаслигига” амин бўлдик. Аниқланишича, вилоят патолого-анатомик экспертиза бюроси ходимлари то-монидан майитларни ёрмасдан туриб, ўлим сабаблари ҳақида тиббий хулосалар бериб келинган. Ана шундай қабиҳ ишларга қўл ураётганлар, нафси илинжида ўлик усти-да “қўи”дан беришни талаб қилиб сав-долашаётган, эғнидаги оқ либосни чир-кин қилишлари билан бўлгаётган ким-саларга қонуний чора қўйилляпти. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси то-монидан жинойи иш қўзғатилиб, айбдор-лар тегишли жавобгарликка тортилди.

Тўғри, илгари тиббиёт ходимлари меҳ-натини рабагтлантиришининг самарали ти-зими мавжуд эмас эди. Шундай бўлса-да, ҳақиқий шифокор ўзининг моддий эҳти-ёжларини беморнинг қўнғигага қўз олай-тириш орқали қондирмиш йўлини танла-майди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Давлат тиббиёт муассаса-лари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рабагт-лантиришни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва фармацевти-ка ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш микдорлари 2018 йилнинг 1 декабри-дан 1,2 баравар ошган бўлса, 2019 йил 1 апрелдан 1,15 баравар оширилди. Шун-га монанд, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимо-лаш, обрўсини юксалтириш, шу билан бирга, замонавий стандартлар асосида шaroитларни яратиб бериш бўйича тизим-ли ишлар рўёбга чиқариломоқда. Энди энг муҳими, соҳа ходимлари ана шундай юксак эътиборга муносиб бўлиб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилишлари зарур.

Конституциямизда ҳар бир инсон ма-лакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамлаб қўйил-ган. Бу муҳим ҳаётий қониданг ижросини таъминлаш эса соҳа ходимларидан юксак билим, касбий маҳорат ва уйғоқ виждон соҳиби бўлишни тақозо этади.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи».)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҚОЛАТИ ТЎГҒИСИДА 2019 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛДАН 15 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 29 январдаги 188-мх-сон “Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқ-номанинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2019 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-3. (2019 йил 12 февралдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 19 январдаги 1/4-сон “Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги ни-зомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”-ги қарори.

2019 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 622-8. (2019 йил 13 февралдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 18 январдаги 01-02/15-4-сон “Ўзбекистон

Республикаси божхона органларида ташқи савдо контрактларини ҳисобга қўйиш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз қучини йўтган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

Хабар

2019 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 832-11. (2019 йил 14 февралдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси молия ва-зирининг 2019 йил 23 январдаги 10-сон “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2019 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1209-10. (2019 йил 15 февралдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 19 январдаги 1/7-сон “Фоизларни ўйстрмаслик тўғрисида низомага қўшим-чалар киритиш ҳақида”ги қарори.

2019 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1304-4. (2019 йил 15 февралдан кучга кирди).

- советкич омбори ва у билан боғлиқ жиҳозларни сақлаш учун механик ҳамда электр ускуналарини ўрнатиш; б) ишларнинг асосий қисми бажарилгач, фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича тегишли хужжатлар, жумладан, талаб қилинувчи қафолатларни тақдим этиш, шунингдек, керакли шахсларни ўқитиш; в) хизматлар/камчиликлар бўйича 12 ой давом этувчи жавобгарлик даврида керакали тузатишларни тақдим қилиш; г) қуриб битказилган советкичли омборлар занжирини учун «қурилган бино чизмаси»ни тақдим этиш ва якуний ҳисоб-китоб.

Муддатлар ва иш босқичларининг қутилган натижалари:

Ҳар бир қурилиш/реконструкция учун муддатлар иш ҳажми ва мураккаблик даражасига мос равишда аниқланади ҳамда техник тавсифномага илова қилинади.

Талаб этиладиган малака ва ихтисошланиш соҳалари:

ташкилот/фирма/пудратчи фаолияти Ўзбекистон ҳукумати томонидан лицензияланиши ва тан олиниши, шунингдек, қайси давлат ҳудудида иш олиб борадиган бўлса, ўша ерда рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.

Компания/агентлик/ташкилот қуйидаги махсус билимларни намоён қилиши ва тегишли хужжатлар нусхаларини тақдим қилиши керак:

- Ўзбекистон Республикасида иш олиб бориш учун сертификат/лицензия;
- йиғма конструкциялар асосида бино қуриш бўйича касбий тажриба, кейинги уч йил ичида худди шундай қурилишдаги иштирокчиларни тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиш. ЮНИСЕФ ёки БМТнинг бошқа ҳар қандай агентлиги билан ҳамкорлик тажрибаси афзаллик ҳисобланади;
- топшириқни бажариш учун зарур бўладиган билим ва тажрибага эга ходимлар ҳамда бошқа захиралар; тақлифга асосий ходимлар резюмесининг рўйхати ва иш режаси талабига кўра, керакли жиҳозлар рўйхати;
- сафарбарлик, бир пайтнинг ўзида бир неча ҳудудда баравар иш олиб бора олиш қобилияти;
- тендер қатнашчиларининг қурилиши мўлжалланаётган вилоятлар/жойларда шахсан ҳозир бўлиши улар учун афзаллик ҳисобланади;
- БМТ тизими ҳақида билимга эга бўлиш ва уни тушуниш алоҳида афзаллик ҳисобланади.

Тендерда иштирок этиш истиагида бўлганлар қуйида кўрсатилган манзил ёки tashkentsupply@unicef.org электрон почтасига компаниянинг қисқа резюмеси илова қилинган хатни юборишлари, кейин эса тендерда қатнашиш ҳисоб-китобини тузиш учун керак бўладиган қурилиш объекти техник тавсифини олишлари лозим бўлади. Техник ва нарх бўйича якуний тақлифлар 2019 йил 12 апрель соат 18.00 дан кечиктирмай, алоҳида ёпиқ конвертларда тақдим этилиши лозим.

100029, Тошкент ш., «Пойтахт» бизнес маркази Шароф Рашидов кўчаси, 16-уй. ЮНИСЕФ Ўзбекистон Тел.: 71-233-95-12, 71-233-97-35. Факс: 71-232-11-29. www.unicef.uz

Қизиқчи билдирган компаниялар бир ёки ундан ортқк объектлар юзасидан тақлиф беришлари мумкин. Нарх бўйича тақлифларда қурилиш объектлари жойлашган вилоят/туманга бориб-келиш ва бошқа тегишли харажатлар кўрсатилган бўлиши керак.

Мамлакат қонунчилигига мувофиқ, компания солиқлар ҳамда шартнома мажбуриятларини бажариш билан боглик бошқа харажатларни тўлашни тўлиқ ўз зиммасига олади.

Техник ва нарх бўйича тақлифлар солинган конвертлар муҳрланиши ҳамда компания ҳақидаги маълумотлар, яъни унинг номи, манзили ва алоқа телефонлари билан маркировка қилиниши лозим (лойиҳа ишларининг тафсилотлари кўрсатилмаиди).

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

«Соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш: вакциналарни сақлаш ва тарқатиш учун замонавий мажмуа қуриш» лойиҳаси доирасида қурилиш компаниялари билан вакцина ҳамда инъекция материаллари сақланадиган советкичли омборлар қуриш бўйича шартнома тузиш мақсадида

LRPS-2019-9147277 савдо танловини эълон қилади.

Лойиҳа мақсади:

Ушбу лойиҳанинг мақсади ЮНИСЕФ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган лойиҳа ва чизмалар асосида олтита туманда олтита советкичли омборлар тармоғини қуришдан иборат.

1-жадвал: Советкичли омборлар тармоғининг жойлашган ўрни

Вилоят/туман	Шаҳар/ туман/ қишлоқ	Советкичли занжир даражаси	Иш турлари	Советкичли занжир жиҳозлари	Энергия билан таъмин-ланиш манбаи
1. Тошкент вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (ДСЭНМ)	Тошкент вилояти, Оққўрган ш.	Туман даража-сида	Янги қурилиш. Қурилиш май-дони 78 кв.м.	Советкичли хоналар	Тармок, генера-торлар
2. Андижон вилояти ДСЭНМ Андижон тумани маркази	Андижон ш., Бобур шоҳ-кўчаси, 5	Туман даража-сида	Янги қурилиш. Қурилиш май-дони 78 кв.м.	Советкичли хоналар	Тармок, генера-торлар
3. Самарқанд вилояти ДСЭНМ Ургут тумани маркази	Ургут ш., Почвон кўчаси	Туман даража-сида	Янги қурилиш. Қурилиш май-дони 78 кв.м.	Советкичли хоналар	Тармок, генера-торлар
4. Қашқадарё вилояти ДСЭНМ Шахрисабз тумани маркази	Шахрисабз ш., Ипак йўли кўчаси, 195	Туман даража-сида	Янги қурилиш. Қурилиш май-дони 78 кв.м.	Советкичли хоналар	Тармок, генера-торлар
5. Қашқадарё вилояти ДСЭНМ Чироқчи тумани маркази	Чироқчи ш., Мустақил-лик кўчаси, 2	Туман даража-сида	Янги қурилиш. Қурилиш май-дони 78 кв.м.	Советкичли хоналар	Тармок, генера-торлар
6. Сурхондарё вилояти ДСЭНМ Денов тумани маркази	Сурхондарё бил., С. Отабеков фермер хўжалиги, Тоқ қилиғи	Туман даража-сида	Мавжуд бино-ларни рекон-струкция қилиш. Майдони 72 кв.м.	Советкичли хоналар	Тармок, генера-торлар

Қурилиш хизматлари қуйидагиларни ўз ичига олади, лекин фақат шу билан чекланмайди:

- а) омбор учун янги қурилиш йиғув тизимида, тегишли тузилмалар ва майдончадаги ишлар билан,

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат
Халқ банки жамоаси юртдошларимизни
яшариш ва янгиланиш айёми —

Наврўзи олаи

билан самимий табриклайди!
Юртимиз тинч,
хонадонларимиз файзли бўлсин!



Халқ банкдан байрам акцияси!

- Халқ банкдан халқаро «Visa» тўлов картасини очиш, ушбу карталардаги маблағларни ечиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди.
- Интернет тўлов ва «SMS» хабарларга улаиш эса мутлақо бепул.
- Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси 15 АҚШ долларига туширилди.

Телефонлар: 71-200-00-55, 78-120-17-70, 78-120-17-32.

Хизматлар лицензияланган.

100096, Toshkent sh.,
Qatortol ko'chasi, 46

+998 71 200-00-55
@xalqbanki

www.xb.uz
info@xb.uz

O'ZAGROSERVIS
AKSIYADORLIK JAMIYATI

«Ўзагросервис»
акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни
фасллар келинчаги бўлмиш
баҳорнинг шукӯҳли байрами —

НАВРЎЗ ШОДЎНАСИ

билан муборақбод этади!

Юртимиз тинчлиги мустаҳкам бўлсин,
хирмонларимизга барака инсин,
дас্তুрхонимизга тўқинлик, оилаларга
сўҳайт-саломатлик ва ишларинизга
кайтадан-кайта муваффақиятлар
тилайди.

Fido-biznes

«FIDO-BIZNES» компанияси
дилларга қувонч ва шодлик улашувчи
Наврўз байрами билан мамлакат аҳлини
табриклайди!

Барчангизга тинчлик ва хотиржамлик,
соғлиқ ва фаровонлик тилайди.
Янгиланиш ва орзулар фаслида қилинган
ҳамма ниятларингиз амалга ошишига
ва Сизларга доимо омад ёр
бўлишига тилакдошмиз.

ИСЛОМ КАРИМОВ
НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

олий ўқув юртларига
кирувчи абитуриентлар учун
тайёрлов курсларига
қабул эълон қилади.

Тайёрлов курсларида тингловчилар тўлов-шартнома асосида 1 ойдан 5 ойгача бўлган муддатларда:

- ✓ Математика
- ✓ Физика
- ✓ Кимё
- ✓ Ўзбек тили ва адабиёти
- ✓ Инглиз тили
- ✓ Рус тили

фанларидан таълим олишлари мумкин.
Тайёрлов курсларида университетнинг
юқори малакали профессор-ўқитувчилари
машғулотлар олиб боради. Гуруҳларнинг
шаклланишига қараб машғулотлар
2019 йилнинг 25 мартдан ташкил этилади.
Машғулотлар ўтказиш вақтлари тингловчилар
билан келишилган ҳолда олиб борилади.

**Тайёрлов курсларига
таклиф этамиз!**

Маълумот учун телефонлар:
71-246-82-70, 93-395-74-25,
98-337-07-89.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Университет кўчаси, 2-уй.
(Мўлжал: Талабалар шаҳарчаси).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 943 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Набатчи — М. Каримова.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6